

**ЖАЛБ ҚИЛИНГАН РЕСУРСЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ ВА УНИНГ БАНК
ДАРОМАДЛИЛИГИГА ТАЪСИРИ
СТОИМОСТЬ ПРИВЛЕЧЁННЫХ РЕСУРСОВ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА
ДОХОДНОСТЬ БАНКА
THE COST OF ATTRACTED RESOURCES AND ITS IMPACT ON BANK
PROFITABILITY**

Абдуллаев Ахроржон Акмалжон ўғли

*Марказий банк Андижон вилояти Бош бошқармаси “Ижро аппарати”
бўлими бош иқтисодчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларида жалб қилинган ресурсларнинг қиймати ва унинг банк даромадлилигига таъсири илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Банк ресурсларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар, уларнинг тури ва муддати, шунингдек бозор конъюктурасига боғлиқлик масалалари ёритилган. Мақолада жалб қилинган маблағларнинг номинал ва реал қийматини ҳисоблаш усуллари таклиф этилган ҳамда уларнинг банк актив операциялари самарадорлигига таъсири асослаб берилган. Алоқабанк филиали мисолида амалий ҳисоб-китоблар ўтказилиб, банк ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, банк ресурслари, жалб қилинган маблағлар, номинал қиймат, реал қиймат, банк харажатлари, банк даромадлилиги.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты стоимости привлечённых ресурсов и их влияния на доходность коммерческих банков. Проанализированы расходы, связанные с привлечением банковских ресурсов, их структура, сроки и зависимость от рыночной конъюнктуры. Предложены методы расчёта номинальной и реальной стоимости привлечённых средств, а также обосновано их значение для оценки эффективности активных операций банка. На примере филиала АТ «Алоқабанк» проведены практические расчёты, на основе которых сформулированы выводы и рекомендации по повышению эффективности управления банковскими ресурсами.

Ключевые слова: коммерческий банк, банковские ресурсы, привлечённые средства, номинальная стоимость, реальная стоимость, банковские расходы, доходность банка.

Abstract. This article analyzes the theoretical and practical aspects of the cost of attracted resources and their impact on the profitability of commercial banks. The study examines the expenses related to attracting bank resources, their structure, maturity, and dependence on market conditions. Methods for calculating the nominal and real cost of attracted funds are proposed, and their importance in assessing the efficiency of banks' active operations is substantiated. Practical calculations are carried out using the example of a branch of AT "Aloqabank", and conclusions and recommendations are formulated to improve the efficiency of bank resource management.

Keywords: commercial bank, bank resources, attracted funds, nominal cost, real cost, bank expenses, bank profitability.

Ресурсларни жалб қилиш бўйича харажатлар суммаси асосан, унинг турига ва муддатига, банк менежменти даражасига ва бозор конъюктурасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, таҳлил қилиш даврида ресурсларни жалб қилиш усули ва муддатининг банк харажатларига таъсирини баҳолаш керак; ҳар бир жалб қилинган ресурсларнинг жамидаги салмоғини аниқлаш; қимматроқ бўлган ресурсларнинг улушини аниқлаш; ҳар бир харажат турининг унга мос жалб қилинган маблағлар билан солиштириб кўриш керак. Ушбу таҳлилни банкнинг ички маълумотлари асосида олиб борса бўлади.

Жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати улар қийматини ташкил қилувчи асосий таркибий қисми ҳисобланади, ўз навбатида бу банкнинг алоҳида операциялари ва жами банк маҳсулоти бўйича таннархни аниқлаш учун фойдаланилади.

Банклар амалга ошираётган актив операциялар самарадорлигини аниқлаш учун маблағларни жалб қилишга қилган харажатларни аниқ билиш муаммоси банклар олдида кўндаланг бўлиб турибди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун жалб қилинган маблағларнинг номинал қийматини аниқлаш лозим. Биз қуйидаги (K_n) формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$K_n = \frac{P}{H} * \frac{Q}{t} * 100\% \quad (1)$$

Ушбу формулада: P – таҳлил даврида жалб қилинган маблағ учун тўлов; H – ушбу даврда фойдаланилган жалб қилинган маблағларнинг суммаси (активлар суммаси); Q – йил ичидаги кунлар сони; t – кунлар сони (H маблағдан фойдаланиш давр ичида P хажмда тўланган тўловлар учун).

¹ Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – с. 97.

Масалан, АТ «Алоқабанк»нинг А филиали 2023 йил март ойида 2,5 млрд. сўм (Н) маблағдан фойдаланди. Ушбу маблағни жалб қилиш учун 0,03125 млрд. сўм (Р) харажат қилди, яъни, жалб қилинган маблағ учун тўловни тўлади. Юқоридаги формуладан келиб чиқиб январь ойи учун жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати (K_n) 14,7 фоизни ташкил қилди:

$$K_n = \frac{0.03125}{2.5} * \frac{365}{31} * 100\% = 14.7\%$$

Тижорат банклари ҳар ойда ушбу кўрсаткични ўзгариш динамикасига эътибор бериш керак. Ҳар бир жалб қилинган маблағларнинг ўртача фоиз ставкасининг ўзгаришини динамикада таҳлил қилиш даврида банк ресурсларининг қимматлашиши ёки арзонлашишининг умумий тенденциясини кўриш, қимматроқ ресурсларни аниқлаш, алоҳида турдаги ресурслар бўйича харажатларнинг ўртача қийматидан чекланишини кўриш мумкин.

Жумладан, АТ «Алоқабанк»нинг битта алоҳида олинган «А» филиалида 2021 йил ва 2022 йилда жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати ўзгариш тенденциясини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1–жадвал

АТ «Алоқабанк» «А» филиали жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати ²

Кўрсаткич	2021 йил												
	Ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VI	VI	IX	X	XI	XI
Жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати фоизда (йиллик)		17,5	16,8	16,2	16,5	16,1	16,0	15,8	16,2	16,1	15,9	15,8	15,2
Кўрсаткич	2022 йил												
	ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VI	VI	IX	X	XI	XI
Жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати фоизда (йиллик)		14,7	14,8	14,6	14,7	14,8	14,6	15,1	15	15,3	14,9	15,4	15,2

² АТИБ «Ипотекабанк»нинг «А» филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1–жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, филиалда фойдаланилган жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати 20221 йилда камайиш тенденциясига эга бўлиб, маблағларнинг номинал қиймати ойдан ойга камайиб бориб банк харажатларининг камайишига сабаб бўлган.

Фойдаланилган маблағларнинг номинал қиймати жалб қилинган маблағлар бўйича қилинган харажатларни тўлиқлигича ифода қилади деб айтиш қийин. Сабаби бунда, жами жалб қилинган маблағларнинг қанчаси фойдаланилган ва қанчаси фойдаланилмаганлиги ҳақида фикр юритилмайди. Банклар ҳар доим ҳам жалб қилинган маблағларнинг барчасидан фойдаланмайди. Уларнинг маълум бир қисми мажбурий захиралар фондига ажратилади, маълум бир қисми фойдаланмайди. Чунки, банклар фақат даромад олиш учун фаолият олиб бормайди. Улар омонатчиларнинг, мижозларнинг талабларини қондириб, ўз ликвидлилигини сақлаб туриши керак. Шу сабабли, тижорат банклари жалб қилинган ресурсларнинг ўртача реал қийматини ҳисоб–китоб қилиб, унинг ўзгаришини кузатиб боришлари лозим.

Банк жалб қилинган ресурсларининг ўртача реал қийматини (K_r) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$K_r = K_n * \frac{F}{H}^3 \quad (2)$$

бунда: F – таҳлил қилинаётган даврда банк томонидан жалб қилинган маблағлар суммаси; H – ушбу даврда фойдаланилган жалб қилинган маблағларнинг суммаси (активлар суммаси).

Юқорида кўриб ўтилган мисолда АТ «Алоқабанк» А филиалида 2023 йил март ойида фойдаланилган жалб қилинган маблағлар суммаси 2,5 млрд. сўмни (H) ташкил этиб, улар бўйича қилинган харажаталар 0,03125 млрд. сўмни (P) ташкил этган. Банк филиали жами жалб қилинган маблағлар суммаси 2,8 млрд. сўмни (F) ташкил этган. Бунда банкнинг жалб қилинган маблағларнинг номинал қиймати (K_n) 14,7 фоиз бўлади. Актив операцияларни амалга ошириш учун жалб қилинган маблағларнинг реал қиймати (K_r) 16,5 фоизни ташкил этди.

$$K_r = 14,7\% * \frac{2,8}{2,5} = 16,5\%$$

Банк ҳақиқатда фойдаланилган маблағларнинг номинал қиймати паст кўринсада, унинг ҳақиқий қийматини билиш актив операцияларни амалга ошираётганда

³ Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. – с. 98.

уларга қандай фоиз ставкасини белгилаш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, банк жалб қилинган маблағлар бўйича номинал ва реал қиймати ўртасидаги фарқни камайтиришга ҳаракат қилишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қорабоев А.А. Тижорат банклари фаолиятини молиявий таҳлил қилиш. — Т.: Иқтисодиёт, 2019. — 256 б.
2. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. — М.: КНОРУС, 2020. — 512 с.
3. Жумаев Н.Х., Саидов Ш.С. Банк ресурсларини бошқариш ва уларнинг самарадорлиги. — Т.: Молия, 2021. — 184 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Тижорат банклари фаолиятига оид статистик бюллетень. — Т., 2021–2023 йй.
5. Rose P.S., Hudgins S.C. Bank Management & Financial Services. — New York: McGraw-Hill Education, 2018. — 720 p.